

YOSHLAR OVOZI

BUGUNGI HARAKAT – MUVAFFAQIYATGA KAFOFLAT

Р. НАЗАРМатов



2018 4-5 июнь «ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ»

“ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ” ШИОРИ ОСТИДАГИ
“УЮШМАГАН ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ: МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАР”
II ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
Тошкент, 4-5 июнь, 2018 й.

II МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ
«ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ СИСТЕМЫ ПО РАБОТЕ С НЕОРГАНИЗОВАННОЙ МОЛОДЕЖЬЮ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ»
ПОД ДЕВИЗОМ «МОЛОДЕЖЬ – СОЗИДАТЕЛЬ БУДУЩЕГО»
Ташкент, 4-5 июня, 2018 г.

II INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE
“IMPROVING THE EFFECTIVENESS OF THE SYSTEM FOR WORKING WITH UNORGANIZED YOUTH: PROBLEMS AND PROSPECTS”
UNDER THE THEME “YOUTH ARE THE ARCHITECTS OF THE FUTURE”
Tashkent, June 4-5, 2018



Ёшлар ижод саройида “Ёшлар — келажак бунёдкори” шiori остида “Уюшмаган ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини ошириш: муаммо ва истиқболлар” мавзусидаги II халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтмоқда. Унда халқаро ташкилот вакиллари, вазирилик ва идоралар ходимлари, мустақил тадқиқотчи ёшлар иштирок этипти. Анжуманининг очилиш

мингга яқини хорижда экани аниқланиб, уларнинг 370 минг нафардан зиёди ватанимизга қайтарилди. Хорижда меҳнат қилаётган, таълим олаётган йигит-қизлар билан узвий алоқа ўрнатилди. Шунингдек, ҳудудлар кесимида ҳам ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида дастурий ишлар

келгуси ишларни режалаштириб олиш мақсадида ўтказилган кайда этилди. Конференцияда қатнашадиган халқаро ташкилот вакиллари дунё миқёсида ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш йўлида қилинаётган ишларга тўхтади. Хусусан, ЮНИСЕФ нинг ижтимоий сиёсат бўлими раҳбари Юлия Олейник турли қатламдаги ёшлар — ногирон, кам таъминланган оила фарзандлари фикрларини ўрганиб, махсус дастур тайёрлаш зарурлигини айтди. ЮНИСЕФнинг ёшларга оид дастури ишлаб чиқиши тарихини сўзлаб берди.

кистондаги ваколатхонаси раҳбари Али Ихсан Чағлар. — Ҳатто оилавий маросимларда, маҳалладошлар бир-бирларини ёлғизлатиб қўймайди. Уйшқоқлик маданияти авлоддан-авлодга ўтиб, миллатнинг қон-қонига синиб кетган. Шунингдек, ёшларни бирлаштиришда Ўзбекистон

жиҳатлари: хориж ва Ўзбекистон тажрибаси, ёш авлоднинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муаммолари ва уларнинг ечими каби мавзуларда маърузалар тингланди. — Ўзбекистон кундан-кунга инвестиция қилиш учун қўлай мамлакатга айланиб бормоқда, — дейди Америкадаги “Ибрагим трайнинг” хусусий корхонаси раҳбари юртошимиз Иброҳим



Шунингдек, Москва вилояти Ёш олимлари ва мутахассислари кенгаши аъзоси, иқтисод фанлари номзоиди Т.Романишина уюшмаган ёшлар дунёқарашини ўстириш, уларни бирлаштиришда янги технологияларни жорий этиш бўйича видео-маъруза қилди. — Ўзбек халқида бирдамлик, ҳамжиҳатлик туйғуси болаликдан шаклланиди, — дейди ТИКнинг Ўзбек



маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаев иштирокчиларни қўтлаб, конференция ва унда белгиланган устувор вазифалар хусусида сўз юритди. Утган давр мобайнида уюшмаган ёшлар билан ишлаш, уларнинг бандлигини таъминлаб, ижтимоий фаоллигини ошириш борасида қилинган ишлар таҳлил этилди.

қилинган. Биргина Норин туманида икки минг нафардан зиёд уюшмаган ёш ишли бўлди. Яқинда Ёшлар иттифоқи кўмаги билан Қуйи Чирчиқ туманидаги 250 нафар тадбиркорликка қизикувчи йигит-қизларга ноль қийматда жой ажратилиб, имтиёзли кредит берилди. Тадбирда уюшмаган ёшлар билан ишлаш масаласи қисқа муддатда ҳал бўлиб қолмаслиги, йилдан-йилга уларнинг сонини камайтириб бориш юзасидан аниқ манзилли ишлар қилиш кераклиги таъкидланди. Бугунги анжуман соҳа бўйича халқаро тажрибани ўрганиш,



ёшлар иттифоқи ҳам катта ишларни амалга оширяпти. Биз бу ташкилот билан узвий ҳамкорлик ўрнатганимиздан мамнунмиз. Дўстона алоқалар икки мамлакатга ҳам бирдек фойда келтиради, турли янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга замин яратди. Яқин кунларда мамлакатингизда мактабгача таълим тизими бўйича 20 миллион долларлик 50 та лойиҳани амалга оширамиз. Келгусида Иттифоқ билан уюшмаган ёшлар масаласида ҳам ҳамкорликда ишлаш тарафдоримиз.

Ҳомидов. — Бу, аввало, хориждаги ўзбек ишбилармонларининг қизиқишига сабаб бўляпти. Америкалик бизнесменлар ҳам юртимизга сармоя қилиш тақдирини билдирмоқда. Уйлашимча, хорижий инвестиция асосидаги тадбиркорлик субъектларининг қўлайлиги ёшларни иш билан таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Конференцияда муаммолар очиб-ойдин муҳокама қилиниб, иштирокчилар томонидан уларнинг ечими борасида жўяли тақдирлар билдирилди. Танқидий-таҳлилий руҳда улаётган анжуман давом этмоқда.

Санжар ЭШМУРОДОВ

МАHALLA MARKAZI

ТАРАҚҚИЁТ ВА БАҲҚАРОРЛИК БЕШИГИ

Ҳаёт давом этмоқда. Эртага бугунгидан кўра фаровон, тўхтин ва саодатлироқ яшаш иштиёқи маҳалла институтини ҳам ислоҳ этишни тақозо этмоқда. Аян шун тўғрисида 2017 йил 3 февралда Президентимиз “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонга имзо чекиди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида бутунлай янги ташкилий-ҳуқуқий тизим яратилди.

3

MEDIAREYD ШАРИФ ОТАЛИҚҚА ОЛИНДИ

Инсон яхши хулқи билан азиз ва муқаррамдир. Фақат тарбия уни бахтли ҳаёт, улғу марралар сари етаклайди. Бу ҳақда бежиз сўз очмадик.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, вояга етмаганларнинг ота-онаси ҳамроҳлигисиз тунги вақтда кўчада ва кўнгилочлар жойларда бўлишининг олдини олиш мақсадида Гижувон туманида тунги рейд ўтказилди. Республика маънавият ва маърифат маркази туман бўли-

ми, Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши, туман ички ишлар бўлими вакиллари интернет-кафе ва тунги клубларда бўлиб, бу ердаги ёшларнинг аҳволи билан танишди. Назорат тадбирларида 4 нафар ўқувчи шафқатсиз ўйинлар билан машғул экани аниқланди. Улардан бири Шариф Назаров (исми-шарифи ўзгартirilган) нинг оилавий аҳволи ўрганилганда отаси йўқлиги, онаси эса 2004 йилда ишлаш мақсадида хорижга кетиб, ҳанузгача қайтмагани маъ-

лум бўлди. Тенгдошимиз эса, кечса бувисининг қарамоғида қайда. — Ҳеч ким мен билан қизикмайди, — дейди у. — Ростини, уйга боришни хоҳламайман. Отам ташлаб кетган, онам чет элда. Уйда мени интизорлик билан кутадиган ҳеч ким йўқ. Шунинг учун бу ерда ўйин уйнаб, кун ўтказаман. Шарифнинг муаммоларини эшитиб, орзу-истакларига қўлоқ тутган Иттифоқ вакиллари уни оталиққа олди. У дардан бўш вақтларида касб-хунар тўғрақларига жалб қилинди.

Зарнигор НАФИДИНОВА

ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ I ҚУРУЛТОЙИГА

25
Кун қолди

Ёшлар иттифоқи Жиззах вилояти Бахмал туманида яшайдиган **Муроджон Раҳматовга** “Юракдан отилган сатирлар” номли китобини 110 нусхада чоп этишда молиявий ёрдам кўрсатди.

БМТда ЁШЛАР ФОРУМИ

30 май куни Нью-Йорк шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси президенти ташаббуси билан аъзо давлатлар ёшлари иштирокида “Таълим соҳасига ёнлашув, бандлик ва зўравонлик, экстремизмга олиб келувчи радикализмнинг олдини олиш” мавзусида ёшлар форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда БМТга аъзо 193 давлатдан келган 300 нафарга яқин ёшлар, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди. Форумда қўзланган асосий мақсад ёшлар ўртасида ўзаро мулоқот платформасини яратиш ҳамда ўсиб келаётган авлоднинг таълим соҳаси ва бандлик масалаларида учраётган муаммолари, шунингдек, уларнинг турии хил ёт гоилар ва экстремизм таъсирига тушиб қолганининг олдини олишга қаратилган давлат ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан ҳамкорлик қилиш бўлиб ўтди. Учрашувни Бош Ассамблея президенти Мирослав Лајчак кириш сўзи билан очиб берди. У ўз нутқида бугунги кунда дунёда 2 миллиардан зиёд ёшлар истиқомат қилиши, улар ҳаётда учрайдиган муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги бугунги кунда долзарб эканини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, бугунги ёшларнинг сифати таълим олиши, улар бандлигини таъминлаш ва ёт гоилар ҳамда радикализм ва экстремизмдан сақлаш масаласида жаҳон ҳамжамиятининг ўзаро ҳамкорликдаги аниқ режалар асосида фаолият юритиши муҳим эканини таъкидлаб ўтди. Кун тартибидagi масалалар юзасидан БМТ Бош котибининг ёшлар масаласи бўйича вакили Ж.Викраманаяка сўзга чиқиб, бугунги кунда глобаллашиб бораётган дунёда ёшлар муаммоларини бартараф этиш муҳим масалалардан эканини алоҳида урғулади. Шундан сўнг форумда қатнашадиган давлатлар вакиллари ўзлари истиқомат қилаётган мамлакатларда таълим тизими, радикализм ва экстремизм таъсири остида вуқудга келадиган муаммолар ҳамда қўлга

HAFTALIK

ТАРЖИМАЛАР НАШР ЭТИЛАДИ

Бўстонлик туманидаги Ёшлар оромгоҳида ёш таржимонлар ҳафталиги бўлиб ўтмоқда

Анваржон ҒАЙРАТОВ,
Дилдора РАҲМАТОВА

Республика ёш ижодкорлар кенгаши томонидан "Ёш таржимонлар мактаби" лойиҳаси доирасида ўтказилаётган ҳафталикда 31 нафар таржимон йигит-қиз қатнашди. Унинг очилиш маросимида таъкидланган-

нидек, ўзбек адабиёти дурдоналарини жаҳонга тараннум қилишда бадий таржимонларнинг тажрибаси муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда юртимизда малакали кадрларни тайёрлаш, уларни бирлаштириш ва фикр

алмашиши учун шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, биринчи марта ўтказилаётган мазкур ҳафталикка инглиз, рус, немис, араб, турк ва хитой тили бўйича тажрибали мутахассислар жалб қилинди. Ёш ижодкорлар гуруҳларга бўлиниб, маҳорат дарсларида иштирок этапти.

Шунингдек, уларга битта бадий асарни ўзбек тилидан ўз ихтисосликларидagi тилга таржима қилиш топшириқ сифатида берилди. Иштирокчилар дарслар давомида соҳага оид билимини мустаҳкамлаш билан бирга ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олмақда.

— Ўзбек адабиёти билан яхши танишман, —



дейди хитой тили бўйича мутахассис Да Жен Шенг. — Ёшларнинг мутолаага, китобхонликка бўлган қизиқиши кун сайин ортаётгани таҳсинга сазовор. Айниқса, уларда хитой тилини ўрганишга бўлган иштиёқни кўриб хурсанд бўлам. Бу каби тадбирлар юртингизда

тажрибали таржимонлар камол топишига туртки беришига ишонаман. Лойиҳа доирасида маданий тадбирлар ҳам ўтказилапти. Ҳафталик якунида иштирокчиларнинг таржималари муҳокама қилиниб, уларни тўплам ҳолида нашр этиш режалаштирилган.



TURFA TAQDIRLAR

40 ЁШИДА ПАСПОРТ ОЛАДИ

Лазиз РАҲМАТОВ, журналист

Анджон вилояти Балиқчи тумани 78-уйда истиқомат қилувчи Умиджон Ҳамроқулов 1978 йил 11 ноябрда туғилган.

— Асли норинликчимиз. Бу ерга 1973 йилда иш юзасидан кўчиб келганмиз, — дейди унинг онаси Латофат Амиралиева (унинг истагига кўра исми-фамилияси ўзгартирилди). — Кенжа фарзандим — Умиджон соғлом туғилган эди. Ундан ташқари уч ўғил ва бир қизим бор. Ўзим ва турмуш ўртоғим аптекада провизор бўлиб ишлар эдик, шунинг учун кенжа ўғлимни энагага ташлаб кетардим. У болани арганчида учирайиб, йиқитган экан. Аммо бизга билдирмаган. Бир кун боланинг исмини кутарилиб кетди — ўн бир кун 41 даражадан тушмади. Касалхонада ётдик. Кейин яхши бўлиб кетди. Бир йилдан кейин кутиммағанда кўзлари муаллақ

қотиб қолди. "Ҳа, болам?" — десам, "Уйқум келаяпти", — деди. Икки кундан кейин бу ноодатий ҳолат қайтарилди. Шундан сўнг ўғлимнинг соғлигиндан қаттиқ хавотирга тушдим. Тошкентга олиб бориб, 16-шаҳар шифохонаси врачларига курсатдик. У ерда бошини махсус қурилмада текширишди.

— Болани қандай касаллик безовта қилаётган экан?

— Мияси билан қаттиқ йиқилган дейишди. Орқа мия суяги синиб, ичкарига қараб ўса бошлаган. Қон айланishi тизими бузилибди. Психодиспансерга олиб бориб, микропсихиатрга курсатами. Мутахассис фарзандимни гапга солиб кўрди. Атрофлича текширигач, касаллик анча ўтиб кетганини айтиди, зарур дориларни ёзиб берди. Даволашни қатъий тارتиб асосида олиб борсангиз

яшайди, дейишди. Қўлимдан келган барча чорани кўрдим, бироқ ўзгариш бўлмади. 9 ёшдан оёқ-қўллари қотиб-қисила бошлади. 18 ёшларда оғриқ ва дард жуда кучайиб кетди.

— Бу йил қирққа кирибди. Диспансерга топширмадингизми?

— Орада кўнглим ҳеч бўлмай бергандим, эрталаб ҳолидан хабар олишга борсам, лаблари ёрилган, орқаси моматалоқ бўлиб кетибди. Шўрлик болани роса уришибди. Раҳбарига айтиб, урганларни ишдан ҳайда-тиб, бир кун ҳам бу ерда қолдирмасдан олиб кетдим. Қанча қийин бўлса ҳам, ўзим қарашга қарор қилдим.

Дори-дармонига бир ойда қарийб 300-400 минг сўм кетапти. Болам 11 гуруҳ ногирони — 312 минг сўм нафақа олади. Ўзим шу фарзандим учун 70 ёшгача ишладим. Пенсиям 895 минг сўм. Ҳамма болаларимни уйли-жойли қилдим. Катта ўғлим ва

келимим учта фарзанди билан яшайди. Хўжайиним 2011 йилда оламдан ўтди. Болани сира ёнидан қўймай олиб юрар эди. Катта ўғлим Россияда ишлайди. Рўзгорни асосан у қилади. Қизим олий маълумотли шифокор. Биздан ҳар кун хабар олиб туради. Ҳаётдан олган худосам шуки, болалар ишончли қўлларда бўлиши, борчада тарбияланиши, ўқиб, касб-ҳунар эгаллаши зарур экан.

Президентимизнинг қўллаб-қувватлаши билан шу йил март ойида Умра зиёратини амалга ошириб қайтам. Маккаю Мадинадаги одамларнинг эътиқодини, бир-бирига ҳурматини кўриб, бутунлай бошқа оламга тушиб қолгандек ҳис қилдим ўзимни. Диний эркинлик инсонларни яхшиликка ундашига, маънавий муҳитнинг ҳам соғлом бўлишига хизмат қилишига яна бир бор амин бўлдим. Аллоҳ халқимизнинг ризиқини улуғ қилмоқда. Ҳаракат

қилса, ҳеч ким оч қолмайди бу юртда. Ахир митти чумоли ҳам гимирлаб, ризқини топади-ку.

Омилкорлик билан ишласанг, албатта, роҳатини кўрасан. 74 ёшимда ҳам ишлаб чармайман. Уйда 22 бош товۇғим бор. Рўзгоримиздан туҳум аримайди, керак вақтда товۇқ сўйиб ҳам еймиз. Учта сигирим ҳар кун ич литр сут беради. Рўзгордан ортганини сотаман. Олти нафар неварам бор. Уйимизга шу пайтгача биронта ҳам мутасадди нима муаммонг бор, деб эшик қоқиб келмаганди. Болам қирққа кирса ҳам паспорти йўқ эди.

Балиқчида фаолият кўрсатаётган Республика ишчи гуруҳи курсатмаси билан бир кун ичида туман ички ишлар бўлими миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими маси вакиллари келиб, биометрик паспорт тайёрлаш учун керакли маълумотларни олиб кетди. Давлат божни эса, ҳомийлар ёрдамида тўланадиган бўлди.

TASHABBUS

“ЁШЛАР ОЙЛИГИ” БОШЛАНДИ

Б.АБДУЛҲОЛИҚОВ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан июнь ойи “Ёшлар ойлиги” деб эълон қилинди. Айни вақтда ҳудудларда турли лойиҳалар амалга оширилмоқда.



Ғаллаорол туманида ташкил этилган “Бахтли болалик” акцияси доирасида жисмоний имконияти чекланган Мавлуда Усмоновага Иттифоқнинг маҳаллий кенгаши, туман ички ишлар бўлими, “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди томонидан ногиронлик

аравачаси ҳамда китоб жамланмалари тақдим этилди. Ойлик давомида спорт мусобақаларини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Наманган вилоятида ойлик давомида имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз ва уюшмаган ёшлар иштирокида давра суҳ-

батлари, меҳнат ярмаркалари, маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Тенгдош-тенгдошга тамойили асосида йўлга қўйилган “Дўстимга туҳфа”, “Экспресс кутубхона” лойиҳалари ўғил-қизларда катта таассурот қолдиришмоқда.

Сурхондарёда “Мен ва Ёшлар иттифоқи” акцияси, ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ярмаркаси, фотогузгасма, маҳорат дарслари ташкил қилинди. Шунингдек, Меҳрибонлик ва Муруват уйларида тарбияланаётган ёшлар ҳолидан хабар олинатири. Китобхонлик викиториналари, кўрик-танловлар ўтказилиб, фаол иштирокчилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланмоқда.

IMKONIYAT

ЯҚИН ВА БЕПУЛ

Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Чирокчи туманида бокс тўғраги очилди

Аҳроп СОДИҚОВ



Мазкур таклифни ҳудуддаги уюшмаган ёшлар ўтган йили Иттифоқ Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қўранбаев билан учрашганида илгари сурганди. Ҳозир замонавий спорт залида 95 нафар ўғил-қиз машғулот олиб бормоқда.

— Ўғлим Одижон боксга қизиқгани сабабли узоқ бўлса-да,

Шаҳрисабз шаҳридаги пулик тўғраққа қатнардим, — дейди Дилшод Холмуродов. — Энди оғиримиз энгил бўлди. Ўзимизда янги тўғрақ очилганидан хурсандиман. Тағин бепул. Ўйлайманки, ёшлар шундай имкониятни қўлдан бой бермай, юртимиз байроғини дунё ареналари узра баланд кўтаришга интилади.

DUNYO BIZ HAQIMIZDA



НЕМИСЛАРДА ҚИЗИҚИШ КАТТА

Немис иқтисодиёти шарқий қўмитасининг ахборот портали Германия Федератив Республикаси бизнес делегациясининг мамлакатимизга сафари якунларини ёритди.

Хабарда қайд этилганидек, делегация таркибига кирган 70 нафар ишбилармонда Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар катта қизиқиш уйғотган. Материалда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакат жуда тез суръатларда модернизация қилинаётгани ҳақида таъкидланади.

Охириги йилларда қузатилган ижобий ўзгаришлар орасида давлат аппарати тўла қайта қурилгани, коррупцияга қарши қатъий кураш олиб борилаётгани, миллий валютанинг эркин айирбошланиши, қўшни мамлакатлар билан чегараларнинг очилгани алоҳида тилга олинган.

ЎЗГАРИШЛАР ЦЮРИХДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Цюрих шаҳрида “Ўзбекистон: жадал ривожланаётган Евроосиё индустриал марказидаги сармоявий имкониятлар” мавзуда бизнес-форум бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Франкфурт-Майндаги бош консуллиги томонидан Швейцария – Осиё савдо палатаси ва Ўзбекистон – Швейцария савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Швейцария – Осиё савдо палатаси раиси Урс Аустенбергер бизнес-форумни очар экан, унинг иштирокчиларини Ўзбекистонда кечаётган иқтисодий жараёнлар, бизнес юритиш учун яратилаётган қулай шароитлар билан таништирди. Таъкидланганидек, мамлакатда сиёсий-ҳуқуқий, савдо-иқтисодий ва банк-молия соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар Ўзбекистон бозорининг хорижий сармоядорлар учун очилишига ҳамда турли жабҳаларда узаро манфаатли қўшма лойи-

ҳаларни амалга оширишга имкон бермоқда. Форум давомида Швейцария технологиялар, электр ускуналари ва металл индустрияси ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси (Swissmem) бош котиби К.Вухвальдер “Швейцариянинг Ўзбекистондаги тўқимачилик машиналари” ҳамда “Comagra Commerz&Agrar Handel AG” компанияси директори Ю.Мюллернинг “Ўзбекистонга экспорт: имкониятлар ва тўсиқлар” мавзуларидаги маърузалари ҳам тинланди.

ИНДОНЕЗИЯ БОЗОРИДА МАВҚЕИМИЗ ОРТМОҚДА

Жакарта шаҳрида ҳалол туризм бўйича ўтказилган III Индонезия бизнес-форуми доирасида юртимизнинг зиёрат туризми имкониятлари тақдироти бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистоннинг маданий-маърифий мероси, бетакор мейморий ёдгорликлари, айниқса, муқаддас қадамжолари ва уларнинг тарихи билан таништирилди. Индонезия ҳалол-туризм уюшмаси

(ATHIN) раиси Халилтинтар Бамбанг Ўзбекистон Индонезия туризм бозорида янги ва шу билан бирга, истиқболли йўналиш эканини таъкидлаб, тез орада ўз мавқеини янада юксалтиришига ишонч билдирди.

“SCHWÄBISCHE ZEITUNG” САҲИФАСИГА ЧИҚДИК

Ўзбекистонни кўриш иштиёқидаги германиялик сайёҳлар сони ҳам тобора ортапти. Немислар учун асосан бой тарих ва маданий қадриятларимиз қизиқ. Юртимизга таширидан сўнг уларнинг аксарияти ўз таассуротларини мақола тарзида баён этиб, Германиянинг махсус нашрларида эълон қилмоқда.

Масалан, Баден-Вюртемберг шаҳри фуқароси Ренате Хог “Schwäbische Zeitung” газетасининг веб-порталида эълон қилинган мақолада Ўзбекистондек озода мамлакатни ҳаётда кўрмагани ҳақида ёзади. Муаллиф қадимда Осиё ва Европани боғлаб турган Буюк ипақ йўли бўйлаб саёҳатини бир умрга эслаб қолганини айтган. “Буюк ипақ

йўли ривожда Ўзбекистоннинг ҳам алоҳида ўрни бор, — деб ёзади Р.Хог. — Ушбу гузал диёрнинг Самарқанд, Бўхоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа қўшна шаҳарларидаги бетакор осори атиқалар ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган. Мен дунё бўйлаб кўп саёҳат қилганман. Лекин Ўзбекистон қалбимда умрбод муҳрланиб қолажак”.

“Дунё” АА материаллари асосида тайёрланди.

MULOHAZA

ТАРАҚҚИЁТ ВА БАРҚАРОРЛИК БЕШИГИ

Нарзулла Жўраев,
сиёсий фанлар доктори, профессор

Мустақиллик йилларида маҳалла институтининг нуфузи янада оширилди. Унинг тарбиявий ва маънавий маскан мақоми сақланган ҳолда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва-колатлари кенгайтирилди. Айна шу жиҳатлари билан маҳалла фуқаролик жамиятини ривожлантириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишнинг ишончли механизмига айланган. Бугун маҳалла одамларнинг кундалик юмушлари, қувончу муаммоларидан хабардор бўлган, ҳар бир оилга етарли даражада кўмак бера оладиган энг ҳозиржавоб ва халқчил воситага айланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, миллий давлатчилигимиз тарихида биринчи марта шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий бирликлари сифатида қонун билан мустақамлаб қўйилди. Маҳалла тарбия ўчоғига эмас, балки жамиятнинг бир бўлағи, саодатли ҳаётимиз истиқболга мустақам замин яратадиган масканга айланди. Шу кунгача қабул қилинган юздан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур институтнинг кенг миқёсли фаолиятини ҳимоя қилиб, ривожлантириш имконини берди.

Кейинги беш йил мобайнида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунлар кучга кирди. Маҳаллалар ҳамда улардаги жамоатчилик тузилмаларига оид йиғирмага яқин низоом ишлаб чиқилиб, ижтимоий ҳаётга татбиқ этилди. Шунингдек, тизимда фаолият курсатаётган ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида ўқув курслари ташкил этилди. “Маҳалла” маърифий телерадиоканали ушбу соҳадаги серқирра фаолиятни тарғиб этмоқда. Камчиликлар танқид қилиниб, ибратли тажрибалар кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, айна пайтда мамлакатимизда ўн мингга яқин маҳалла фуқаролар йиғини томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллуқли бўлган ўттиздан зиёд ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий, сиёсий ва маърифий аҳамиятга молик вазифалар муваффақиятли бажариб келинмоқда. Шунга яраша уларнинг моддий-техник базиси мустақамланяпти. Хусусан, икки мингдан ортиқ маҳалла биноси замонавий талаблар асосида таъмирланди. Бундан ташқари, намунавий лойиҳалар асосида қишлоқларда барпо этилаётган янги тураржойларда маҳаллалар учун 216 та янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу эса, тизим ходимларнинг иш сифатига ижобий таъсир кўрсатяпти.

Ҳаёт давом этмоқда. Эртага бугунгидан кўра фаровон, тўкин ва саодатлироқ яшаиш иштиёқи маҳалла институтини ҳам ислоҳ этишни тақозо этмоқда. Айна шу тўғрисида 2017 йил 3 февралда Президентимиз “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонга имзо чекади. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техник базасини мустақамлаш, давлат ва нодавлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкор-



лигини ривожлантириш мақсадида бутунлай янги ташкилий-ҳуқуқий тизим яратилди. Шу билан бирга, фармон асосида республика ва ҳудудлар миқёсида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашлар тузилгани ҳам ўзига хос янгиликлар. Эътиборлиси, ушбу кенгашларга тегишли ҳудуд ҳокими жамоатчилик асосида раислик қилади. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раислари эса, айна пайтда уларнинг биринчи ўринбосари вазифасини бажаради.

Бугун дунёнинг қайсида нуктасида уруш-талатўплар сабаб қон тўкилаётганини кўриб, билиб турибмиз. Ёт ва бузғунчи ғоялар турмушимизга сизиб қиряпти. “Оммавий

маданият” никобидаги миллий ва маънавий қадриятларга зид ҳаракатлар авж олган. Айрим мамлакатларда ҳатто генофонднинг кескин бузилиши, геноцид ҳолатларининг юзага келаётгани ҳам бор гап. Ана шундай таҳликали вазиятда фуқаролар, айниқса, ёшларда иллатларни бартараф эттишга қодир бўлган мафкуравий иммунитетни, маънавий-руҳий тайёргарликни кучайтириш зарур. Мазкур ҳолат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Бежиз эмаски, давлат раҳбарининг юқорида номи зикр этилган фармони асосида маҳалла раисининг ўринбосари – ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди.

Кўриниб турганидек, ёшлар масаласи алоҳида эътиборда. Айтиш керак, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб воғга етказиш борасида маҳалла ишида давлат ҳокимияти органлари, Молия, Ички Ишлар, Меҳнат, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда ёшлар масаласи билан шуғулланувчи бошқа идора ва муассасалар вакиллари фаол иштирок этмоқда. Шаҳар ва туманларда замонавий талаблар асосида “Маҳалла маркази” мажмуалари, қолаверса, ҳар қайси маҳалла ҳудудида болалар спорти майдончалари, маиший хизмат кўрсатиш объектларининг барпо этилаётгани ҳам аҳамиятлики, бу ўз навбатида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органлари фаолияти самарадорлигини ошириш учун янада кенг имконият яратди.

Инсон жамиятдан ажралган ҳолда ўзини тўлақонли намоён қила олмайди. Аксинча, инсоний фазилатлари ва имкониятларини йўқота бошлайди. Фикр доираси торайиб, ақлий имкониятлари, интеллектуал салоҳияти чекланади, ҳайвоний инстинктлари кучаяди. Қисқа қилиб айтганда, ҳаёт мазмуни ва моҳиятини тушунаймайдиган одам қиёфасидаги жонзотга айланади.


Маҳалланинг қудрати жамоа бўлиб, умумий манфаатлар атрофида бирлашиб яшаш кайфиятининг мавжудлигидадир. У одамнинг инсонга, инсоннинг шахсга айланishiда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Келажги буюк давлат қуриш йўлидан бораётган эканми, ҳар томонлама баркамол инсонни тарбияламай туриб, бу улғу мақсадга эриша олмаймиз. Аминманки, Юртбошимизнинг “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони маҳалла институтини такомиллаштириш, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш орқали янги тарихий шарафларга замонавий, муҳими, ҳар қандай зарарли ғоя ва қарашлардан ўзини асрай оладиган, буюк мақсад билан яшаб буюк келажакни қуришга қодир бўлган авлодни етиштириш имкониятини беради.

Фарзандларимиз ҳаётнинг барча неъматларидан баҳраманд бўладиган истисмоҳчиликларга эмас, балки бунёдкорлик салоҳиятига эга етук инсонлар бўлмоғи лозим. Ҳар бир фуқаро бугун эришган ютуғидан — жамият тараққиёти, юртимиз тинчлиги ва барқарорлигини сақлашга қандайдир ҳисса қўшаётганидан қувонмоғи даркор. Бунга эришиш учун инсонда катта қалб, маънавий қудрат, ахлоқий асос бўлиши керак. Маҳалла ана шу маҳаббатли ва ғоят қадри туйғунинг ўчоғидир.

ТААССУРОТ

БИР ҚҮРИШ ИМКОНИЯТИ

Сарвиноз ТУРСУНОВА



Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши Самарқанд шаҳридаги 64-маҳсус мактаб-интернати ўқувчилари учун хайрия тадбирини ўтказди. Унинг доирасида корхона ва ташкилотлардаги ёшлар етакчилари ўртасида “Ош чемпионати”, спорт мусобақалари, интерфаол ўйинлар ва китоб-викторинаси ташкил қилинди. Марказий ҳарбий округга қарашли ҳарбий оркестрнинг концерт дастури эса, барчада ёрқин таассурот қолдирди. Беллашувлар ғойибларига фахрий ёрлик ҳамда балий

китоблар тўпламлари топширилди. Ҳарбий хизматчилар ва Ёшлар иттифоқи фаоллари шаҳардаги 10-Меҳрибонлик уйида ҳам бўлди. Болаларга маҳсус совғалар ҳамда аскар акалари билан жонли мулоқот қилиш имконияти берилди.

Шундан сўнг Самарқанд ҳарбий гарнизони офицерлар уйи оркестри томонидан ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги куй-қўшиқлар ижро этилди. Қўл жанги бўйича курғазмали чиқишлар ёшларга кутаринки кайфият улашди.



MUNOSABAT

ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАРГА ЙЎЛ ОЧИҚ

Шавкат БОБОЖОНОВ,
Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Давлат бошқаруви машинаси бетўхтов ҳаракатланиши ташаббускор, филоий, жонкуяр, Ватан тақдирда ўз тақдирини кўра оладиган кадрларга боғлиқ. Айна шундай мутахассислар мамлакат тараққиёти учун толмай хизмат қила олади.

Давлатчилигимиз тарихига назар ташлайлик: ўтмишда вазиру сарой уламолари ақл-заковатда етук, хулқ-атвори намунали, чинакам ватанпарвар шахслар орасидан танланган ва тайинланган. Элга пешвоман деган киши унинг ишончини қозонди, ўз вазифасини виждонан, сиздиқидан бажармоғи керак бўлади.

Бугун Ўзбекистонимизда улкан ислохотларни амалга оширишга қодир, илгор тажрибаларни ҳаётга татбиқ эта оладиган ёшлар талайгина. Аммо уларни қандай қилиб етук кадр даражасига етказиш ва тўғри ўзига йўналтириш мумкин? Жорий йилнинг 30 май кунин Президентимиз томонидан имзоланган “Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда ана шу долзарб масаланинг ечими кўрсатиб ўтилган.

Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзига хос воқелик бўлди. Сабаби у орқали раҳбарликка муносиб номзодларни саралашнинг мустақам ҳуқуқий асоси яратилди. Адолат бор жойда эса, ривожланиш бўлиши аниқ. Вазирилик ва идоралар, давлат ташкилотларига раҳбарларни тайинлаш бўйича ишлаб чиқилган янги тизимда, аввало, рақобат муҳитини шакллантириш кўзда тутилмоқда. Рақобат эса, яна тараққиётга бошлайди. Президент қароридан таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Инновацион ривожланиш вазирилик ва “Буюк келажак” халқаро нодавлат нотижорат ташкилотининг уч йилда бир марта истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича “Тараққиёт” республика танлови ўтказилади.

Илгари раҳбарликка фақат кўп йиллик иш стажига эга, анча погоналарни босиб ўтган, ёши бирмунча улғайган инсонлар тайинланар эди. Ушбу эскича тизим эндиликда жамият ривожининг шиддаткор руҳига мос келмай қолганини ҳаммамиз яхши англаймиз. Чунки ақл фақат ёшда эмас, бошда эканини бугунги куннинг ўзи исботламоқда. Фан-техника ютуқларини мукаммал ўзлаштирган, инновацион ғояларни яратётган, давр билан ҳамоҳанг, ҳозирги тезкор жараёнларда уйғоқ ёш кадрларнинг давлат бошқарувида фаолиятини кенгайтириш шарт ва зарур.

Ишонаманки, “Тараққиёт” республика танлови раҳбарлик ва новаторлик қобилиятига эга қўлаб истеъдодли кадрлар учун ҳақиқий парвоз майдонига айланади. Зотан, маррани баланд олган ҳар қайси киши муваффақиятга эришиши муқаррар.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ

Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги 7-, 21-, 22-, 24-, 28-, 45-, 46-, 49-, 50-, 17-умумтаълим мактаблари ҳамда Хизмат ва сервис касб-ҳунар коллежининг ёшлар етакчиси лавозимига ишга қабул қилиш учун танлов эълон қилади.

Ёшлар етакчиси лавозимига 35 ёшдан ошмаган, ёшлар орасида обрў-эътибор қозongan, тегишли таълим муассасасида меҳнат фаолиятини олиб бораётган ўқитувчилар, бошқа тизимларда фаолият юритаётган етакчилик қобилиятига эга бўлган йигит-қизлар ҳамда олий таълим муассасалари битирувчилари ишга қабул қилинади.

Номзодлар:

— табиий етакчилик қобилияти,

нотиқлик маҳорати, ташаббускорлик, интилувчанлик ва фидоийлик хислатларига;

— бошқарув маданияти, ташкилотчилик, кенг жамоатчилик билан ишлаш ва иш юритиш бўйича билим ҳамда муаяян иш тажрибасига;

— замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш бўйича малакага;

— ёшлар тарбиясига салбий таъ-

сир қилувчи бузғунчи ғоя ва мафкуралар, маънавий таҳдидлар, зарарли иллатлар ҳақида етарли тасаввур ва тушунчага;

— мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар, ёшларга оид давлат сиёсати ва таълим-тарбия жараёнига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини тартиби тўғрисида етарли маълумотга эга бўлиши лозим.

Номзодлардан ўзлари тўғрисидаги шахсий маълумотнома, паспорт нусхаси, иккита 3,5x4,5 ўлчамдаги фотосурат, ижтимоий фаолиги ва эришган ютуқларини ақс эттирувчи ҳужжатлар билан Иттифонинг Қуйи Чирчиқ туман кенгашига мурожаат қилиш талаб этилади.

Ёшлар етакчисининг ўртача ойлик маоши умумий ўрта таълим муассасаларида 900 минг сўмдан юқори, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида 1 миллион 100 минг сўмдан юқори.

ESHITDINGIZMI?

БАЛИҚЧИ БОЙИДИ

Роҳатой ҚОДИРОВА

Андижоннинг Балиқчи туманидан хушхабар! Бу ердаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганаётган республика ишчи гуруҳи ажойиб ташаббус билан чиқди.

Унга кўра, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ёшлар иттифоқи, Ёзувчи-



тизими такомиллаштирилаётгани, ихтисослаштирилган китоб дўконлари фаолияти йўлга қўйилиб, ахборот-ресурс марказлари фонди турли мазмун ва йўналишдаги

лар уюшмаси, Маънавият ва маърифат маркази ҳамда “Нуроний” жамғармаси томонидан аҳоли эҳтиёжи учун 100 номдаги икки мингдан зиёд китоб етказиб берилди. Адабиётлар туманидаги тўртта секторга қарашли штаблар ҳамда “Омон Ариқ” маҳалласидаги кутубхонага тақдим этилган.

Мазкур хайрли тадбир муносабати билан туман марказига йиғилган мутасаддилар ёшлар маънавиятини юксалтирувчи, шунингдек, болалар учун мўжжалланган адабиётларни чоп этиш давлат эътиборидаги масала эканини, бадий-публицистик мақолалар тўпламлари, шунингдек, мактаб ўқувчилари учун дарслик ва қўламанлар, луғатлар ўрин олган. Бундай баёхо коллекция тумандаги китобсевар ёшларга ғоятда манзур бўлди ва улар ташаббускорларга самимий миннатдорлигини билдирди.

YOSHLIK ILHOMI

БАХТ МАНЗИЛИ



Ёмгир ёғиб турганда кимдир сени интизор кутса-ю, унинг хузурига ошкисанг... Ҳаётим шовқин-суронал кечган йилларда шуни орзу қилардим. Мана, ҳозир уша йўлданман. Лекин у мени кутаётганмикин?! Ҳаётим сокин ўтмоқда. Атрофимдагилар: "Сизга ҳавас қиламиз", — дейди. Улар ҳақ, ахир, менда обрў-этибор, мансаб, бойлик бор. Аммо кўз илғамас нарсалар-чи?! Афсуски, қилбимда бахтнинг ўрни бўш, ички оламим хувиллаб ёттиди. Шу ҳолат қийнайди мени. Бир қарашда ҳаммаси яхши, бахтлидайман. Ишдан қайтганимда: "Келдингизми", — деб қарши олади аёлим. "Келдим", — одатагидай жавоб берман ва яна ҳар кунни такрорланувчи суҳбат.

валлари ҳорғинлик ва сукут уфуриб турадиган ходимлар чехрасидан кўлгунинг ари-маслиги — бари у сабабдир. Баъзи ҳамкасбларга бу нарса сал ёқмаслиги ҳам сезилиб турарди. Тан олишим керак, ҳатто муҳокама қилса-да, ғазабимни келтирмас, аксинча, завқимни оширарди. Латофатдаги ички галаён мени унга боғлаб қўяди. Турмуши бузилгани, фарзанди билан ота уйда яшашини эшитгач, унинг қувноқлиги ортида дарду алам борлигини англадим. Балки тақдир бизни бежиз учраштирамагандир. Уни қўлдан чиқармайман. Хотинимни ҳам, ўзимни ҳам бир умр қийнаб ўтгандан кўра, ҳеч йўқ Латофатга бахт берсам. — Фарида, сенда гапим бор. — Нима гап, дадаси? — Ажрашайлик. Бир ойдан бери бўғзимда тикилиб турган бу сўз шунчалар паст овозда чиқдики, у эшитдим-йўқми билмадим. — Ажрашайлик, — Фаридага қардим. У тош қотган, менга шундай тикилардики, кўёшга тик боқиб мумкин-у, бу нигоҳларга дош бериб бўлмасди гўё. — Ҳазилладингиз-а?! Кўзларидан итижо, кўрқув, алам, қайғу аралаш бир томчи ёш сизиб тушди. — Тушун, сенга бахт беролмайман. Бир умр шундай яшамоқчимсан? — Ким айтди мени бахтсиз деб? Мен бахтлиман! — Мен эса йўқ, Фарида! У ҳолсизгина ўридан турди. — Майли, розиман... — Ҳеч қаяққа кетишинг шарт эмас, шу уй сеники. У индамай хонадан чиқиб кетди. Бироз ўтиб ичкаридан юракни эзадиган йиғи овози эшитилди. Уйдан чиқиб, қувонч билан ишхонага шошдим... Ҳамкасблар орасида алақачон ажрашганим

Азиз НУР, Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси


ҳақидаги миш-миш тарқалибди-ю, аммо биров юрак ютиб ўзимдан сўрай олмади. Ҳар кун кимсасиз, хувиллаган янги уйимга қайтарканман, энди "Келдингизми", дейдиган аёлим ўрнига мени сукут ва ёлғизлик кучоқ очиб кутиб оларди. Латофатга ҳали бир оғиз сўз айтолмадим, бир неча бор яккама-якка гаплашиб олмоқчи бўлдим-у, эплотмадим. Нима бўлса-бўлсин, бугун ҳал қиламан, деган куним шивалаб ёмғир ёғди. У бекатда автобус кутарди. — Латофат, ўтиринг, олиб бориб қўяман. — Йўқ, раҳмат. Ҳозир автобус келади. — Йўлим ўша томонга, ахир. У ноилоҳ аста машинага ўтирди. — Ҳаво совиб кетди, унинг устига ёмғир. Сиз автобус кутаман дейсиз-а? — Ҳа, совуқ, — тасдиқлади у оҳиста. — Латофат, биласизми...? — Биламан. Мана шу суҳбатдан қочишга анча пайт уриндим. Афсуски, Асрор ака, сиз ўйлаган нарсанинг иложи йўқ. — Бахтли бўлиш гуноҳми сизнингча? — Кимнидир бахтсизлиги эвазига эмас. — Биз ажрашдик, — машина ойнасида нигоҳларимиз тўқнашди. — Демак, рост экан-да? Шioriим эсингиздами? Сиз шошибсиз. Бу йўлдан бахт манзилга етолмайсиз. Мен шошқалоқлик кўрбони бўлганман. Ўзим бунинг жабрини тортиб, қандай қилиб сизнинг аёлингизга ҳам раво кўрман? — Ажрашшимизга сабаб фақат сиз эмас. Биз бахтли эмасдик. — Сизнингча шундай. Ундан сўрадингизми ҳеч? Аёл учун эрининг ишдан қайтиши, у учун таом тайёрлашининг ўзи бахт! Афсуски, эркаклар бунини тушунмайди. Нақадар худбинсизлар! Бахтни бошқа ердан изламанг, олдингиздагини кўра билинг холос. Ётиб келдим, шу ерда тушиб қоламан. Латофатни қўриб, ўғли юргунча бағрига отилди. Шу топада фарзандимни қанчалар соғинганимни ҳис этдим. Қулоғимда эса, ҳамон унинг: "Нақадар худбинсизлар... Бахтни кўра билиш керак!", деган сўзлари жарангларди. У ҳақ эди. Бахтни олдидан излабман, кўз олдимдагини илғабман... О, Фарида, қанчалар мунис, қанчалар яхши эди у! Унга берган озорим учун ўзимдан нафратланиб кетдим. Шивалаб ёмғир ёғарди. Мен эса, шошиб борардим, ўз йўлимга, ўз манзилимга...

SIZ NIMA DEYSIZ?

ТАНЛАЙ ОЛИШДА ГАП КЎП

Хуршида ДОНАЕВ

Мен учун китоб билан холи қолишдан кўра хузурбахш машғулот йўқ. Юртимизда мутолаасевар ёшлар кўп. Улар ҳам юқоридаги фикримга қўшилса керак. Аммо баъзи тенглошларим қўлдан қўймай ўқиётган асарлар кимнинг қаламига мансуб, уларда қандай гоя илгари сурилгани билан ҳатто қизиқмайди ҳам. Кўзига чиройли кўринганини олапти, ўқияпти ва ўша билан яшаяпти.



эришиш сирларидан воқиф этувчи аллақандай бўлмағур китобларни харид қилади. Уларни дугона ё дўстларига тавсия қилиб ҳам қўяди. Афсуски, ҳозир ана шундай усти ялтироқ, ичи қалтироқ адабиётларнинг ошиғи олчи бўлмоқда.

Яхши китоб танлай билиш жуда муҳим. Чунки китоб онга озиқлантиради. Озуқа эса, фойдали бўлмоғи дар-

кор. Шахсан ўзим бу масалада китоб фарқига борадиган инсонларга маслаҳат соламан. Алданиб қолишдан қўрқаман.

Шахсий фикри бор, яхшини ёмондан ажратадиган одам ҳар қандай китобни ўқиса ҳам, алданмайди, дейишингиз мумкин. Бир ҳисобдан тўғри, аммо истайимизми-йўқми беш қўл баробар эмас. Шу ўринда бир таъкид: енгил-елли китоб-

ларни нашр этувчилар фақат чўнтаги эмас, балки жамият, жумладан, ёшларнинг тақдирини ҳақида ҳам озгина қайғурса бўларди.

Адабиётшунос олимларимиздан бири таъкидлаганидек, бемаза қўшиқлар урчиб кетаётгани учун — тингловчилар, арзон-гаров фильмлар, сахна асарлари учун — томошабинлар айбдор бўлганидек, савиясиз китобларни харид қилиб ўқийдиган китобхонлар бор экан, савиясиз нашрлар урчиб бораверади.

Кўтарилган муаммо мунайян шахсларга эмас, бутун давлатга дахлдор. Унинг ечими устида ҳамма бирга бош қотирса, нур устига нур бўларди. Наздимда, бир пулга қиммат китоблар мутолаасига муккасидан кетган йиғит-қизлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, уларнинг китобхоналик савиясини ошириш лозим. Зотан, Ватан равақига ҳисса қўшмоқ асли ана шундай эзгу амаллардан бошланади.

ТАРБИЯНИ КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИ

Нозима МИЯССАРОВА

Ўғлини боғчага олиб бораётганда Дилафрўз одатда муойишдаги дўконга кириб ўтади. Боласини бир-икки марта чалғитишга ҳам уриниб кўрди, фойдаси бўлмади.

Қайтага хархаша қилиб, йўловчилар олдида хижолат қилгани қолди. Фарзандини ҳадеб у-бу нарса олиб бериш билан алдаш ўзига-да қимматга тушмоқда...

Юқоридаги ҳолат кўпчиликка яхши таниш. Жиянларим билан кўчага чиққанда қўшни аёлларнинг шу мавзудаги гурунгини эшитиб қолам.

— Бола-да, егиси келади. Ахир,

шулар учун ишляпмиз-ку, — дейди қорамгайиздан келган аёл ёнидагисига.

Бошқаси қўшимча қилади: — Турмуш ўртоғим боланинг айтганини қилаверма, дейди. Эркакларга айтиш осон, қани ўзлари эплаб кўрсин-чи!..

Хуллас, баҳс кизигандан-қизийди. Уялаб қарасак, мавзу анча муҳоказали. Психологларнинг айтишича, бола ҳамма нарсага жанжал, тўполон билан эришиш мумкин, деб ўйлайди. Қўрган нарсасини олишни хоҳлайди. Лекин бу истаклар вақти-вақти билан чеklang турилади, у меъёрга ўрганади. Борди-ю, оилада ота мумкин эмас, деб турган нарсага она изн берса ёки акси кузатилса, фарзанд ҳам шунга яраша иш тутайди. Атрофдагилар олдида изза бўлишдан чўчиб, кейинроқ изга солиб оламан, деб ҳам хомтама бўлманг. Муаммони ўз вақтида ечиш керак. Ило, фарзанд тарбиясини кечиктириб бўлмайди.



Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари асосида чет элда таълим олган ёҳуд Президент ва ҳукумат қарорлари билан Ўзбекистонда фаолият юритишига руҳсат аталган хорижий олий ўқув юртларини тамомлаб қайтган шахсларнинг ҳужжатлари тўғриван-тўғри, яъни махсус синовлар-тўғри нострификация қилинади.

PSIXOLOG MASLANATI

— Мағлубият болани тарбиялайдими?

Азиз ЙЎЛДОШЕВ Каттақўрғон тумани



Саволга психолог Зебинисо АҲМЕДОВА жавоб беради:

— Бола муваффақиятсизлик туфайли хатоларидан хулоса чиқаришни ўрганади. Баъзи ота-оналар фарзандим қийналмасин деб, унинг ўрнига ўзи ҳаракат қилади, интилади. Натижанда, бола тайёрига ўрганиб қолади, ўзига ишончи йўқолади. Ишончсизлик эса, кўрқувни кучайтирувчи омил. Кўрқувни енга олмаган инсоннинг мустақил фикр юритиши, бирор қарор қабул қилиши мушкул.

Маслаҳатим, дилбандингизни "қафас"да сақламанг. Мустақил парвоз этишига имкон беринг. Тўғри, авваламга қийналади. Лекин мағлубиятлар уни тоблайди. Ҳаётда ўз ўрнини топишига туртки беради.

Боболар мероси буюк, ранг-баранг, Болалари неларга маҳлиё, қаранг!



Рассом: Жаҳонгир МИРЗО

САВОЛГА 1 ЖАВОБ

— Турмуш ўртоғимнинг номида кўчмас мулк мавжуд, лекин менинг ноимим йўқ. Биз "Ёшлар уйи"ни олиш учун ариза бера оламизми?



Саволга ҳуқуқшунос Баҳром ИЛҲОМЖОНОВ жавоб беради:

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014

йил 8 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган "Ёшларнинг кўп квартиралар уйларида ёш оилаларга квартиралар бериш масалаларини кўриб

чиқиш тартиби тўғрисида"ги низомнинг 5-банди "а" қичик бандига асосан, эр-хотин доний рўйхатдан ўтиш жойи бўйича уй-жой мулкдори бўлмаслиги керак. Шу низомнинг 7-бандида эса, "Ёшлар уйи"ни олиш учун бошқа ҳужжатлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ҳудудий бўлини маси томонидан берилган эр-хотинда мулк ҳуқуқи билан тураржой йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома ҳам тақдим этилиши белгиланган. Юқоридагилардан келиб чиқиб сиз "Ёшлар уйи"га номзод сифатида ҳужжат топширишга нолойиқ деб топиласиз.

(Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши билан ҳамкорликлатаяёрланди).

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ
Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнер
Норбоев Жамолиддин
Жуманазар ўғли
Навбатчи
Боборован Фозиддинов
Газета материаллари тахрирнинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

"YOSHLAR OVOZI"дан материалларни кўчириб босиш тахририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида.
А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.
Буортма Г-836
Адади — 21678
Босишга топшириш вақти — 21.00
Толширилад — 01.30
Уш аёқун — 22.50
Офсет усулида босилган.
1 2 3 4 5